

Мастура НУРМАТОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
стажёр-ўқитувчи

ЖУРЖИ ЗАЙДОН ВА УНИНГ «ФАРҒОНА КЕЛИНИ» РОМАНИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Журжий Зайдон араб адабиётининг йирик намаёндаларидан бири. У адабиёт соҳасидагина эмас, балки фан ва маданият бобида ҳуқуқ, география, журналистика ҳам анчагина ишлар қилди, адабиётшунослик, тил фалсафа, тарих, ҳуқуқ география, журналистикада ёзувчилик – булар Зайдон қизиққан ва хайратомуз даражада самарали ижод қилган соҳадир.

Журжий Зайдон 1861 йил 14 декабрда Байрут (Ливан)да туғилиб 1914 йил 21 августда Қоҳирада вафот этди. Унинг кўп ўқишга қурби етмади. Пойафзал мойлаб юриб, мустақил равишда китоб мутоласига киришди; адабиёт, тарих уни эрта қизиқтирди. У ўз кучини синаб кўрган соҳаларнинг бирортасида ҳам расмий таълим олмаган. Ҳаммасига шахсий мутолаа билан эришган эди. Журжий Зайдон протестантлар коллежига қисман қатнаб ўқиб, доричи деган гувоҳнома олган холос. Кейин у Мисрда бориб, у ерда “Аз Замон” журнали редакциясига ишга кириб бир бир йилча ишлайди. Сўнгра, Ливанга қайтади, Байрутда бир йилча олимлар суҳбатида бўлиб, кўп нарса ўрганишга муваффақ бўлади. Кейин Лондонга бориб, табобат соҳасидаги билимларини

оширишга уринади, у ерда шарқ адабиёти ва тарихини биладиган олимлар билан танишади, кутубхоналарга қатнайди. Британия музейи кутубхонасида кўп мутола қилади. Бундаги араб манбалари унинг ижодига катта туртки бўлди. Зайдон Европа бўйлаб саёҳат қилади, Қоҳирага қайтгач, муаллимлик қилади, айна замонда “ал-Муктатаф” журналида ишлай бошлайди. Зайдон 1892 йил Мисрда “Ал Ҳилол” журнаliga асос солади ва умрининг охиригача –йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида унинг ношири бўлиб қолади. Бу адабий журнал шундан буён ўтган сал кам саксон йил давомида араб адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган.

Зайдон бу журнал учун тарихий-адабий мақолалар ёзди. Шу журнал тақозоси билан илмий-оммабоп мақолалар ва тарихий саргузаштлар ёзиб, кейинчалик тарихий романлар яратди. Унинг “Хорун ар-Рашиднинг синглиси” романи 1906 йилда ёзилган тарихий романдир.

Зайдон 1889 йилда икки жилдлик “Мисрнинг янги тарихи”, “Умумий мосуний тарихи”ни, 1902-1905 йиллар орасида эса беш жилдлик “Ислом маданияти тарихи”ни ёзади. Бу сўнги асар тўлалигича 1910 – 1912 йиллар

орасида Истанбулда турк тилига, кейин форс, хинд тилларига, 1907 йилда Лейденда тўртинчи томи инглиз тилига, биринчи томи 1914 йилда татар тилига таржима қилинди.

Зайдонни адабиёт оламига машҳур қилган унинг романлари бўлди. У араб тарихий романчилигига асос солди, уни юқори поғонага кўтарди. Зайдоннинг 22 та тарихий романи бўлиб (буларнинг кўпи ўрта аср тарихига оид), улар чуқур ўрганишга, тадқиқ этишга арзийди. Унинг энг машҳур тарихий асари бу “Фарғона келини”дир. Ушбу асар реал воқеликларга асосланган тарихий асардир.

“Фағона келини” асари IX асрда араб халифалигида бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган. Роман воқеасини яхшироқ тасаввур қилмоқ учун тарихий воқеаларни бир лаҳза кўз олдимишга келтирамиз.

Халифалик ҳудудиди IX асрда халқ озодлик ҳаракатлари бошланиб, баъзи жойларда авж олиб кетган эди. Халифа ҳукумронлигини даҳшатга солган воқеалардан бири Бобак¹ кўзғолони эди.

Бобак Хуррабий Озарбайжон, Арманистон ва Шимолий – Ғарбий Эронда бошланган хуррабийлар ҳаракатига бош бўлиб, йигирма йилдан ортиқ курашади. Ҳатто халифа Маъмуннинг² ҳам бу кўзғолонни бостиришга курби етмайди. Шу билан бир вақтда Мисрда (829 – 832) кўзғолон кўтарилиб, уни бостириш учун халифанинг ўзи бош бўлиб Мисрга боради, кўзғолончиларни қаттиқ жазолайди. Бу орада ички зиддиятлар ва тахт учун курашиш зўраяди. Халифаликда ҳатто араб кўшинларига ҳам тўлиқ ишонч қолмайди, уларнинг турини ўзгартиришга киришилади. Бағдод аёнлари ва кўмондонларининг доимий фитналаридан хавфсираган халифа, аввало, Ўрта Осиёдаги халқлардан кўшин тўплаб, ўз тахтига таянч қилиб олади. Дастлаб бу аскарлар чегара тўқнашувларда асир тушган ҳамда ўша даврда кул бозорларидан сотиб олиб келинган куллардан, кейинчалик махсус тузилган кўшинлардан иборат бўлди. Булар Халифа даргоҳида туриб, пойтахтдаги араб исёнкорларига қарши курашда, уларнинг кўзғолонларини бостиришда хизмат қилган. Бу

аскарлар маҳаллий араб аҳолиси билан алоқада бўлмас, ҳатто уларга уйланиш ҳам тақиқланган эди. Шу боисдан ҳам улар учун Ўрта Осиёдан турк чўрилари сотиб келтирилиб, бир қисмини уйлантириб қўйишарди. (Бу ҳолат романда ҳам акс эттирилган) Халифа булар хизматидан яхши манфаатдор бўлгани учун уларга етарли маош ва мукофотлар бериб турган. Турк аскарларидан тузилган гвардияга кейинчалик шу халқдан саркардалар тайинланган. Сўнгра, ички низолардан қўрққан халифа Муътасим (813845) янги шаҳар Сомуррони³ бунёд этиб, турк гвардиясига ўша ерни қароргоҳ қилиб белгилайди, сўнгра пойтахтни ҳам унга кўчиради. Лекин халифа Сомуррода ҳам бора-бора турк кўшинлари ва лашкарбошларидан хавфсирай бошлайди. Чунки бу гвардия бошлиқлари тож-тахт учун ўзаро курашларга ҳам аралашиб, ўз манфаатларига хизмат қиладиган номзодни қўллашга ҳаракат қила бошлайди.

Араб халифалигига кирган бошқа халқлар, ҳокимликлар халифалик тахтини сақлаб қолишга уринишган. Чунончи, Ушрусана ҳокими Афшин халифаликнинг энг йирик саркардаси бўлган. Шу Афшин ёрдамида Муътасим⁴ акаси Маъмун ҳам бостирилмаган Бобак кўзғолонини бостиради ва Бобакни Сомуррога келтириб ўлдиради. Афшиннинг ўсиб бораётган нуфузидан қўрққан халифа унинг Бобакни тутиб берганини ҳам хисобга олмайди, хиёнатда айблаб ўлдиради.

Зайдоннинг “Фарғона келини” романи ана шу воқеаларга бағишланган. Бунда барча тарихий воқеалар, шахслар ўзича қолади. Воқеа Фарғона ҳокимининг қизи Жаҳоннинг Зирғом⁵ билан севгиси тасвирлари билан бошланиб, тарихий воқеаларнинг боришига кўра, бу севишганлар бошқа юртларда турли-туман саргузаштларга дучор бўладилар. Жаҳон Бобак қароқчилари қўлига тушиб, воқеа Арманистонга кўчирилади, у ерда хуррабийлар билан халифалик кўшини тўқнашуви тасвирланиб, Бобакнинг қўлга тушиши, қатл этилиши ҳамда халифалик даври ва ундаги зиддиятли тарихий воқеалар акс эттириб, Бобакни қўлга тушиши

¹ Бобак – Хуррабийлар ҳаракатига бошчилик қилган ва аббосийларга қарши кураш олиб борган.

² Маъмун – аббосийлар халифаси (813 – 833)

³ Сурра Ман рао – “Кўрган киши севилади”демакдир. Буни қисқартириб “Сомурро” ҳам аталади.

⁴ Муътасим – аббосийлар халифаси (833 – 841)

⁵ Зирғом – арабча “шер” демакдир

ва қатл этилишини баён этган. Зайдоннинг “Фарғона келини” романиниг асосий мавзуси Ислом тарихига оиддир. Романда Аббосийлар даври, ҳамда халифа Муътасим даврида ўтган тарихий воқеаларни гавдалантирган. Зайдон одамларни тарихини тинимсиз ўқишга ва тарихий илмларни чуқур ўрганишга даъват этган. Романда кўпгина халифаларнинг номлари қайд этилган. Хусусан, халифа Мансур⁶, Муътасимдан кейин халифа бўлган Ал-Восиқ⁷, ал-Мутаваккил⁸ ва бошқаларнинг ҳукимронлик даври ҳамда уларнинг қилган ишлари ушбу романда акс эттирилган.

Зайдон “Фарғона келини” романида Куръони карим оятларидан ҳам келтирган. Мисол тариқасида Зирғомнинг маслаҳатгўйи Вардоннинг куйидаги айтган сатрини келтираман:

Ҳар бир кишининг бир кун оламдан ўтиши бор. Ажал етса, уни бир дақиқа ҳам кейинга суриб бўлмайди. Сабр қилинг. “Аллоҳ сабр этувчилар билан биргадир”⁹.

Тарихни яхши билган Зайдон тарихий асарлар ёзиш билан қаноат ҳосил қилмаган. У одамларга тарихни бадий асарлар орқали тарғиб қилишни, уларни тарихдан ўрнак олишга даъват этишни маъқул кўрган. Шу сабабдан роман жанрини танлаган. Бундаги барча қаҳрамонлар тарихий шахслар бўлиб, баъзилари эса муаллифнинг ижодий маҳсулидир.

Ёзувчининг ўзи шундай дейди: “Одамларнинг тарих ўқишга ва ундан фойдаланишга энг яхши восита тарихни роман шаклида оммалаштириш эканлигини тажрибада кўрдик. Бунда, хусусан, баъзи бир Европа ёзувчиларида кўрганимиздек, роман тарихдан устун турмаслиги керак, балки тарих романдан устун туриши ва романи бошқариш керак. Бу хил ғарб ёзувчиларида шундайки, уларнинг туб мақсадлари роман ёзиш бўлиб, уни ишонарли қилиб кўрсатиш мақсадидагина тарихий воқеалардан фойдаланишади. Бунда улар тарихий воқеаларни изоҳлашдан чекиниб, ўқувчиларни адаштириб қўядилар.

Дарҳақиқат Зайдон тарихий романи шундай тасаввур қилган. У роман ёзишдан

олдин, доимо тарихни чуқур мутолаа қилган, романдаги йирик шахслар ва улар ҳақидаги тавсифлар, шаҳар кўринишлари, қалъа, дарё, ибодатхоналар, диний эътиқодлар, кийим-кечак, ташқи кўринишлар, маълум халқнинг касб-хунарлари – ҳаммасини тарихий китоблардан олинган. Ҳатто буларни шарҳлашда ўқувчи олдида масъулият сезган ва унинг шубҳасидан ҳайиққан Зайдон роман бетларида ўз таянган манбаларни келтирган.

Журжи Зайдон бу романи ёзишдан олдин Ўрта Осиё тарихини, географиясини ўрганган. Лекин шунга қарамай, унинг баъзи маълумотлари роман воқеасидан кейинги даврларга оид маълумотлардир. Ҳаттоки, Ўрта Осиё ҳудудини “Туркистон” деб аталиши ҳам кейинги асрларга тўғри келади. Зайдон Сирдарёни “Фарғона ташқарисидagi Тошкент дарёси” деб атайди, бу ердаги қадимий туркий халқлар тилининг қандай аталишини билмай, уни чигатой тили, деб олади. Ваҳоланки, Чигатой номи мўғуллар даврида XIII асрда вужудга келган, романдаги воқеа эса тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида юз беради. Бунга авторнинг манбалардан керакли маълумотларни топа олмаганлигини ва бу ўлкаларга саёҳат қилмаганлигидан далолат беради. Шунга қарамай Самарқанд, Бухоро, Ушрусана, Тошкент, Фарғона, Озарбайжон, Арманистон, Табаристон, Шом, Юнон, Антокия, Латакия, Константинополь каби бир қанча шаҳарлар ҳақида маълумотлар берадики, бу ҳол ўқувчиларнинг маълумотини кенгайтиришга хизмат қилади.

Зайдоннинг ушбу романи араб мамлакатларида кўп тарқалиб, жуда кўп марта нашр этилган, бир нечта тилларга таржима қилинган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Журжи Зайдоннинг тарихий романларини ўқир эканмиз, ундаги реал воқеалар кўз олдимиздан ўтади. Чунки уламоларимиз “Ўтмишсиз келажак йўқ” деб бежизга айтмаганлар. Ушбу асарлардаги тарихий қаҳрамонлар, уларнинг воқеаларда тасвирланиши бир-бирига боғлиқ равишда ўқувчига тушунарли равишда акс эттирилган. Ўйлайманки, ҳозирги ёшларимиз Журжий Зайдоннинг романларини мутолаа қилсалар, бадий кўникмалари ҳамда тарихий илмлари, тарихий шахслар ҳақидаги фикрлари албатта кенгайди.

⁶ Мансур-аббосийлар халифаси (754 – 775). Бағдод шаҳрини курдирган.

⁷ Ал-Восиқ – аббосийлар халифаси (842 – 861)

⁸ Ал-Мутаваккил-аббосийлар халифаси (847 – 861)

⁹ Куръоннинг Бақара сураси, 156-оят